

Республикамиз ҳудудида доимий яшовчи ўқ-отар қуроли ва пневматик ов қуролига эга бўлган фуқаролар ўртасида тарғибот тадбири ўтказилди



Йиғилишда ов қуролига эга бўлган фуқаролар билан пневматик спорт ва пневматик ов қуролларини туман ички ишлар органидан рўйхатдан ўтказиш, улардан мақсадли фойдаланиш, ов қилиш қоидаларига қатъий амал қилишлари, броконерлик ҳолатларига чек қўйиш, ов қуролини сақлаш ва олиб юриш рухсатномаси ҳамда овчилик билетларини ўз вақтида туман ички ишлар бўлимидан ва овчилик жамиятларидан рўйхатдан ўтказиш қоидаларига тўлиқ риоя этишлари, ўқ отар қуролларни сақлаш қоидаларига қатъий амал қилишлари юзасидан топшириқлар берилди. Фуқаролар томонидан ноқонуний портловчи моддалар ўқ-отар қуроллари, ўқ-дорилар ихтиёрий равишда туман ИИБга топширилган тақдирда ушбу фуқароларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 248-моддаси 4-бандига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши бўйича тушунтириш, профилактик тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилди.